Bugunning gapi

# ХАЛҚ ҚУДРАТИ – ВАТАН РАВНАҚИ

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

**Биргина енгил саноатнинг ўзида ўсиш суръати 2005 йилда 2004 йилга нисбатан 12 фоизни, жумладан, тўқимачиликда 17 фоизни, тикувчиликда 24,5 фоизни, триктотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 53 фоизга етгани ҳам бу фикрнинг далилидир.**

Ўтган йили Тошкентда биринчи марта ўтказилган Халқаро пахта ярмаркасида дунёнинг 26 та мамлакатида фаолият кўрсатаётган 240 та компания вакиллари иштирок этгани, пахта толасини харид қилувчи давлатлар билан 122 та шартнома тузилгани ҳам бугун ўз ерига, ўз мулкига эга бўлган, она заминга меҳрини бағишлаб, ундан юқори ҳосил ундираётган, ўзининг турмушини фаровон этиб, мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлаётган ўзбек деҳқонининг, пахтани илғор технологияларга таянган ҳолда қайта ишлаб, юқори сифатли тола ишлаб чиқараётган ишчи ва мутахассислар меҳнатининг дунё миқёсида қадр топаётганини кўрсатиб турибди.

Қишлоқ хўжалигида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар – фермерчилик ҳаракатини ривожлантириш сахий заминимизни беминнат хазинага, ризқрўз дастурхонига, ноз-неъматлар конига айлантиришга бел боғлаган мингминглаб деҳқонлар, соҳибкор боғбонларни иш билан таъминлашга кенг имкониятлар эшигини очиб бераяпти. Бу ўз навбатида қишлоқ хўжалик соҳасида етиштирилаётган пахта, дон, мева-юзум, турли хил сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган, олам аҳлига манзур бўладиган тўқимачилик, озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлайдиган саноат корхоналарини, микрофирмаларни жадаллик билан ривожлантиришни тақозо этмоқда.

Бошқача қилиб айтганда, ўзбек деҳқони меҳнати билан ердан ўз нонини топиб қолмасдан, минглаб ишчи, мутахассисларга, тадбиркор ва тижоратчиларга ҳам ишлаш, даромад топиш, ҳеч кимдан кам бўлмай яшаш имконини яратаётир.

Тоғ-у тошларда, саҳрои-даштларда ер ости бойликларини қидираётган геологлар, кончилар, улар топган хомашёларни қайта ишлаб, тозалаб, саралаб, мамлакатнинг ички имкониятларини қоплайдиган, хорижликларнинг корхонасини юритадиган бозорбоп, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқараётган оғир саноат соҳаси вакиллари эришаётган ютуқлар ҳам йил сайин салмоқли бўлмоқда.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришнинг, ишбилармон меҳнат аҳлининг, ҳиссадорлик жамиятлари ва турли шаклдаги ишлаб чиқариш тармоқлари жамоаларининг, хорижий ва хусусий сармоядорларнинг манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари, қонуний кафолати яратилгани ҳам ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Ишлаб чиқариш соҳасидаги ўсиш ва юксалишлар ўз навбатида аҳоли даромадининг ва солиқ тушумининг ўсишига, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларни оширишга, соғлиқни сақлаш, халқ таълими тизимларини ривожлантиришга, ижтимоий муҳофаза кўламини янада кенгайтиришга ишончли омил бўлиб хизмат қилаётир.

Бир сўз билан айтганда, ўн беш йил давомида онгли тадбиркорга, ишбилармонга айланган ўзбек халқининг, кўп миллатли, мақсади муштарак элнинг ўз меҳнатининг роҳатини кўрадиган кунларга етиб келдик.

Албатта, ҳали ечилмаган муаммолар, ҳал этилиши керак бўлган вазифалар ҳам йўқ эмас. Энг муҳими, келгуси тараққиётнинг маънавий пойдевори мустаҳкам. Бу пойдеворнинг зуваласи халқимизнинг Ватанга меҳри, миллий истиқлол ғоясига садоқати, ёрқин келажакка ва ўз кучқудратига собит ишончидан қорилгандир.

Ўзига ишонган, ўз кучи ва иқтидорига таянган халқнинг эса келажаги порлоқ бўлади.

**Бахтиёр РИЗО**

Dakki

*“Энергетика масаласида, — дея таъкидлади Юртбошимиз 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида, — Ўзбекистон ўзини-ўзи таъминлайдиган мамлакат ҳисобланади. Бироқ бу бизга қимматбаҳо, қайта тикланмайдиган ресурсларга хўжасизларча муносабатда бўлиш ҳуқуқини бермайди”.*



# БУРЧ УНУТИЛГАН ЖОЙДА...

Ҳақиқатан ҳам, мамлакат иқтисодий қувватини оширишга, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи электр энергиясидан тежаб-тергаб фойдаланиш, фойдаланганлик учун ҳисоб-китобни ўз вақтида амалга ошириш ҳар бир корхона, ташкилот, муассаса мутасаддиларининг бурчи ҳисобланади. Бурч унутилган, тўлов вақтида бажарилмаган жойда табиий бойликка нисбатан хўжасизларча муносабат вужудга келган, деб айтишга тўла асос бўлади.

2004 йил 1 ноябрда Вазирлар Маҳкамасининг **“Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қарори эълон қилинган эди. Мазкур қарорда **“... электр-энергияси истеъмолчиси бўлган барча юридик шахслар истеъмол қилинган электр энергияси учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, ҳар ойда календар ой тамом бўлгандан кейин 30 кун мобайнида тўлиқ ҳисоб-китоб қилишга мажбурдирлар”**, деб белгилаб қўйилган.

Агар ана шу тартибга қатъий риоя қилинса, электр тармоқлари корхоналари билан истеъмолчилар ўртасида низо келиб чиқмаслиги табиий. Борди-ю томонлар ўртасида шартнома мажбуриятлари бажарилмаса, масала судда ечим топиши аниқ. Бунга Самарқанд вилоят адлия бошқармаси Пайариқ туман электр тармоқлари корхонасининг манфаатини кўзлаб вилоят хўжалик судига киритган қатор даъво аризалари мисол бўла олади.

Мисол учун, туман электр тармоқлари корхонаси “Оқтош” ижара хўжалигига электр қуввати етказиб берган. Лекин жавобгар шартнома бўйича мажбуриятларини бажармаган. Фойдаланган электр қуввати тўловларини ўз вақтида амалга оширмаган. Оқибатда, 36 миллион 95 минг 801 сўм қарз бўлиб қолган.

Ишни судда кўришга тайёргарлик чоғида ижара хўжалиги мутасаддилари электр тармоқлари корхонаси ҳисоб рақамига 806 минг 974 сўм тўловни ўтказишга улгурган. Суд “Оқтош” ижара хўжалигининг масалага масъулият билан ёндашмаганини аяб ўтирмади. Хўжалик суди қолган асосий қарз 35 миллион 288 минг 827 сўмни ижара хўжалиги ҳисобидан ундиришга қартилган ҳал қилув қарори қабул қилди.

Шунингдек, вилоят хўжалик суди жавобгар — “Ирисқозоқ” масъулияти чекланган муқобил машина-трактор паркидан ушбу туман электр тармоқлари корхонаси фойдасига 2 миллион 186 минг 983 сўм қарзни ундириш ҳақида ҳам қарор чиқарди. Гап шундаки, томонлар ўртасида қонуний шартнома тузилган. Корхона электр манбаи етказиб бериш, муқобил машина-трактор парки фойдаланган электр қуввати учун тўловларни ўз вақтида тўлаб бориш мажбуриятини зиммаларига олишган.

Шартноманинг 1.1-бандига асосан электр энергияси етказиб берилган бўлса-да, афсуски, истеъмолчи — муқобил машина-трактор парки ҳар ойда амалга оширилиши лозим бўлган тўлов мажбуриятини бажармаган. Демак, “Ирисқозоқ” масъулияти чекланган муқобил машина-трактор паркининг мутасадди раҳбарлари шартнома асосидаги бурч ва мажбуриятларини унутиб қўйишган. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Хулоса шуки, электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китобни вақтида бажармаслик, бурчни унутиш табиий бойликка хўжасизларча муносабатни келтириб чиқаради. Бундай хўжасизлик эса, албатта, қонун асосида жазоланади.

**Абдуваҳоб ОРИПОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

Muloqot

# МАОШИМДАН УШЛАБ ҚОЛИИШДИ...

*— Яқинда узрли сабаб билан уч кун ишга чиқолмадим. Ишга чиққач, менга ойлик маошимнинг муайян миқдори ушлаб қолинганини маълум қилишди. Айтинг-чи, раҳбариятнинг бундай йўл тутиши тўғрими? Қонун бўйича иш ҳақидан қачон ва қай тартибда ушлаб қолинади?*

**Зулхумор САМАДОВА,**
**Бўка тумани**

— Сиз фаолият юритаётган ташкилот мутасаддилари уч кун узрли сабаб билан ишга чиқмаганингиз учун ойлик маошингиздан ушлаб қолгани тўғри. Чунки ҳар бир ташкилот, маъмуриятнинг ўз ички тартиб-қоидалари бор. Сиз ишлаётган ташкилот мутасаддилари ҳам шундан келиб чиққан ҳолда иш тутган.

Бундан ташқари, Меҳнат кодексининг 164-моддасига мувофиқ, умумий қоидага кўра, ходимнинг ёзма розилиги билан, бундай розилик бўлмаган тақдирда эса, - суднинг қарорига асосан меҳнат ҳақидан ушлаб қолиниши мумкин.

Қуйидаги ҳолларда ходимнинг розилигидан қатъи назар, меҳнат ҳақидан ушлаб қолинади:

1) Ўзбекистон Республикасида белгиланган солиқлар ва мажбурий тўловларни ундириш учун;

2) суднинг қарорлари ва бошқа ижро ҳужжатларини ижро этиш учун;

3) иш ҳақи ҳисобига берилган авансни ушлаб қолиш учун, хўжалик эҳтиёжларига, хизмат сафарларига ёки бошқа жойга ишга ўтганлиги муносабати билан берилган бўлиб, сарф қилинмай қолган ва ўз вақтида қайтарилмаган авансни ушлаб қолиш учун ҳамда ҳисоб-китобдаги хатолар натижасида ортиқча тўланган суммани қайтариб олиш учун.

Бундай ҳолларда иш берувчи авансни қайтариш ёки қарзни тўлаш учун белгиланган муддат тамом бўлган кундан ёхуд ҳақ тўлаш нотўғри ҳисоблаб чиқарилган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмасдан аванс ёки қарзни ушлаб қолиш ҳақида фармойиш беришга ҳақлидир. Агар бу муддат ўтиб кетган бўлса ёки ходим хўжалик эҳтиёжларига, хизмат сафарларига ёхуд бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан берилган авансининг ушлаб қолинишини асоссиз ёки миқдорини нотўғри деб ҳисобласа, қарз суд тартибида ундирилади.

4) Ходим таътил олиб бўлган иш йили тугамасдан туриб меҳнат шартномаси бекор қилинганда – таътилнинг ишланмаган даврга тегишли кунлари учун. Ушбу кодекснинг 89-моддаси, тўртинчи қисмида, 100-моддаси, иккинчи қисмининг 1 ва 2 бандларида, 106-моддасининг 1 ва 2 бандларида кўрсатилган асосларга кўра, шунингдек, ўқишга кирганлиги ёки пенсияга чиққанлиги муносабати билан бекор қилинганда ушлаб қолинмайди.

5) ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарни қоплаш учун, агар етказилган зарарнинг миқдори ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаса.

6) ушбу кодекснинг 181-моддаси, биринчи қисмининг 2-бандида назарда тутилган жаримани ундириш учун.

Иш ҳақини ҳар гал тўлаш вақтида ушлаб қолинадиган ҳақнинг умумий миқдори ходимга тегишли бўлган меҳнат ҳақининг эллик фоизидан ортиб кетмаслиги лозим.

## НАФАҚА ТЎЛАНАДИ

*— Корхонамиз мавсумий фаолият юритиши сабабли ходимларга ҳозирги вақтда ўз ҳисобидан меҳнат таътили берганмиз. Аммо бола парвариши билан банд бўлган ходимларимиз болалар пулини сўраб келишаяпти. Айтинг-чи, корхона мавсумий ишламаган тақдирда ҳам уларга нафақа пули бериладими? Қонунда бу ҳақида бирор тартиб белгиланганми?*

**Ш. ДАВРОНОВ,**
**Сирдарё вилояти**

— Мавсумий ишда ишлаётган фуқаролар ҳам бола парваришлаш даврида айрим имтиёзларга эга бўлишади. Жумладан, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2002 йил 18 февралдаги 588, 35-сонли қарори билан тасдиқланган **“Ишлаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунча парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”**ги Низомнинг 9-бандига мувофиқ, меҳнат шартномаси (контракт) асосида мавсумий ишларда банд бўлиб, болани парвариш қилиш бўйича нафақа олувчи шахсларга мавсумий ишларни бажариш даврида болани парвариш қилиш бўйича нафақа мавсумий ишларни бажариш жойидан, мавсумий ишлар тугагандан сўнг (мавсумлараро даврда) эса — яшаш жойидаги фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан муҳтожлигидан келиб чиққан ҳолда умумий асосларда тўланади. Кейинги мавсумда ишлаш учун меҳнат шартномаси тузилган тақдирда, болани парвариш қилиш бўйича нафақа тўлови ишга чиқиш белгиланган ойдан бошлаб тикланади.

## МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНГАН

*— Акам шахсий автомашинага қорайтирилган ойна қўйдириб олган эди. Яқинда ДАН ходими уни тўхтатиб, ойнанинг қорайтирилгани ноқонуний эканини ва бунинг учун қонунда жавобгарлик белгиланганини айтибди. Айтинг-чи, ДАН ходимининг гапи ўринлими?*

**Наргиза РУСТАМОВА,**
**Шайхонтоҳур тумани**

— Ҳа, ДАН ходимининг талаби қонуний. «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекснинг 126-моддасида кўзгусимон ва туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ностандарт ойналар ўрнатилган транспорт воситаларидан фойдаланганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Ушбу моддага мувофиқ, кўзгусимон, шунингдек, тегишли давлат стандартларида белгиланган меъёрларни бузган ҳолда тайёрланган, туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойналар ўрнатилган транспорт воситаларидан фойдаланиш:

— энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса -

энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

**Саволларга ҳуқуқшунос Саломат НИЁЗОВА жавоб берди**

*Мамлакатимиз иқтисодини янада ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда қишлоқ хўжалиги соҳаси муҳим ўрин тутади. Кейинги йилларда жойларда ширкат хўжаликлари тугатилиб, деҳқон-фермер хўжаликлари ташкил этилаётгани ерга меҳри баланд, ҳақиқий деҳқон учун катта имкониятлар яратиб бераётгани сир эмас. Чунки бугунги кунда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчи ғоят катта куч экани эътироф этилмоқда.*



# ЕРНИ АЛДАБ БЎЛМАЙДИ

Аммо мавжуд имкониятлардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш, ер участкаларини талон-тарож қилиш, ундан ноқонуний фойдаланиш, сохта фермерлик ниқоби остида бойлик орттириш, ер участкаларидан ижара шартномасида кўрсатилган мақсадда фойдаланмаслик ҳолатлари ҳам учрамоқда.

Баъзи хўжаликларда ижарага берилган суғориладиган ерларга шартнома режасидаги экин турларини экмасдан, бошқа экинлар экиб фойда олиш ёки ижарага берилган ерларни якка тартибда уй-жой қуриш учун фуқароларга сотиб юбориш ҳолларини кузатиш мумкин. Табиийки, бундай қонунбузилишлар юзага келганда фермер хўжаликларидан қонунда белгиланган тартибда ерни қайтариб олиш каби чоралар кўрилади.

Зеро, мамлакатимизда ер муносабатларини тартибга солувчи мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилган. Фақат уларни амалда тўғри қўллаб, ҳар бир ишни холисона кўришда аниқланган ҳолатларга аниқ ҳуқуқий баҳо бериб, низони ҳал этиш лозим.

Одатда, ер муносабатларига оид бундай ишларга ерни ижарага бериш шартномаси тузиш ёки уни ўзгартириш ёхуд бекор қилиш, туман ҳокимларининг ер ижара шартномасини бекор қилиши, шунингдек, ерни заҳирага қайтариш тўғрисидаги қарорларини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги низолар киради.

Бу каби муаммоларни ҳал этишда фермерларга ер ва қўшимча ер ажратиш, улардан фойдаланаётган ерларни қайтариб олиш тартиби Ер кодексида, **“Фермер хўжалиги тўғрисида”**ги қонун ҳамда Президентимизнинг 2003 йил 24 мартдаги **“Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”**ги, 2003 йил 27 октябрдаги **“2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида”**ги Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги 8-сон қарори билан тасдиқланган **“Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхонаси негизида фермер хўжалиги барпо этиш учун талабгорларни танлаш ва уларнинг танловини ўтказиш”** Тартиби, 2003 йил 4 сентябрдаги **“Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги, шунингдек, 2003 йил 30 октябрдаги 476-сон қарори билан тасдиқланган **“Ер участкаларини фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисида”**ги Низом ва бошқа қонун ҳужжатларида аниқ йўл-йўриқлар белгилаб қўйилган.

Самарқанд вилоят хўжалик судида ер муносабатларига оид кўрилаётган низолар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Аризаларнинг аксариятида туман ҳокимларининг ер билан боғлиқ қарорларини фермер хўжаликлари томонидан ҳақиқий эмас, деб топиш сўралган. Баъзи ҳолларда фермер хўжаликлари, аввало, туман ҳокимликларига мурожаат қилиш ўрнига тўғридан-тўғри хўжалик судига мурожаат этиб, ҳокимликлар ихтиёрига маълум миқдорда ер ажратиш мажбуриятини юклашни сўрашган.

Мисол учун айтганда, Пахтачи туманидаги “Норбобо” фермер хўжалигининг даъво аризасида, суддан туман ҳокимлигини ушбу фермер хўжалигига қўшимча ер майдони ажратиш тўғрисида ширкат хўжалиги қарорини тасдиқлашга кўндириш сўралган. Бу мисолдан баъзи фермер хўжаликлари раҳбарлари амалдаги қонунларни яхши англаб етмаётгани кўринади.

Бундай талаб, кундай равшанки, хўжалик суди судловига тегишли эмас. Чунки ер ажратиш тартиби юқорида келтирилган қонун ҳужжатларида аниқ белгилаб қўйилган.

Ер — том маънода деҳқонни ҳам, давлатни ҳам бойитадиган манба. Буни кўпчилик яхши билади. Лекин ерга эга бўлиш мақсадида айрим фермерларнинг бир-бирларига халақит беришаётган ҳолатлар ҳам йўқ эмас.

Қашқадарё вилоят хўжалик судининг 18-05-03/1504-сонли хўжалик иши Самарқанд вилоят хўжалик суди апелляция инстанциясида қайта кўриб чиқилди. Аниқланишича, даъвогар “Омон ота” фермер хўжалиги “Дилшод” фермер хўжалигига ажратилаётган 11,5 гектар ер майдони ҳақидаги ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш комиссиясининг баённомасини, шунингдек, туман ҳокимининг бу ҳақдаги қарорини ҳақиқий эмас деб топишни, энг қизиғи, ушбу 11,5 гектар ер майдонини “Омон ота” фермер хўжалигига олиб бериш ва “Дилшод” фермер хўжалигига туман заҳира майдонларидан бошқа ер ажратиш мажбуриятини юклашни сўраган.

Самарқанд вилоят апелляция инстанция суди бу муаммони ҳар томонлама ўрганиб чиқди. Маълум бўлишича, “Омон ота” фермер хўжалиги Муборак туман ҳокимининг қарори билан 2001 йил октябрида давлат рўйхатига олинган. Аммо мазкур қарорда ажратилган ер майдони миқдори кўрсатилмаган. Ширкат хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилиши қарорига кўра “Омон ота” фермер хўжалиги раиси Бойқул Хидировга хўжалик ҳудудидан 13 гектар суғориладиган ер майдони ажратиб берилган. Кейинчалик Алишер Навоий номидаги ширкат хўжалигини фермер хўжалигига айлантириш тендер комиссияси томонидан ўтказилган танловда “Дилшод” фермер хўжалиги 13,5 гектар яйлов ер олишда ғолиб, деб топилган ва ҳокимнинг қарори билан мазкур майдон унга ижарага берилган. Ушбу ерга ҳақли равишда даъвогар бўлаётган “Омон ота” фермер хўжалигига ер ажратиш тўғрисида ҳоким қарор чиқарган эмас.

Суд томонидан қонун талаблари асосида даъвонинг “Дилшод” фермер хўжалигига ер бериш мажбуриятини ижобий ҳал этилсин, деб топилди. Даъвонинг қолган қисми эса рад этилди.

Демак, низоларни кўриш амалиётидан маълум бўлаётирки, баъзи туманларда ҳокимнинг ер ажратиш тўғрисидаги қароридан сўнг фермерга ерга эгалик ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар расмийлаштирилмай қолмоқда.

Бундай ҳолларда, ердан фойдаланувчи ерни узоқ муддатга ижарага бериш шартномасини давлат рўйхатига олиш тўғрисида даъво аризаси бериш ҳуқуқига эга бўлади. Бироқ бу каби низолар ҳозирча суд амалиётида кузатилмаган. Бу деҳқон-фермерларнинг ўз ҳуқуқларини тўла англаб етмасликларидан далолат беради.

Худди шундай ҳолларда баъзи фермер хўжаликлари раҳбарлари ердан ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Буни Пайариқ туманидаги “Прим бобо” фермер хўжалиги мисолида кўриш мумкин. Мазкур фермер хўжалиги Пайариқ туман ҳокимининг 2002 йил 9 апрелдаги қарори билан давлат рўйхатига олинган. Ҳокимлик ва фермер хўжалиги ўртасида санаси ва тартиб рақами кўрсатилмаган ҳолда 41,4 гектар ер майдонини 50 йилга ижарага бериш шартномаси тузилган.

Зарурий ҳужжатлар юритишда эса катта хато ва камчиликларга йўл қўйилган. Ер кодексининг 31-моддасида белгилаб берилган, бироқ ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатига олингандан кейинги ҳолатига эътибор бермасдан, томонлар ўртасида тузилган ижарага бериш шартномасининг тузилган вақти ва тартиб рақами кўрсатилмаган, давлат рўйхатига ҳам олинмаган.

Кўринадики, фермер хўжалиги 2002 йилдан буён ер майдонидан фойдаланиб келган бўлса-да, ер ижара шартномаси ҳақиқий эмаслиги оқибатида эгалик ҳуқуқи вужудга келмаган.

Фермер хўжалиги раиси Салоҳиддин Примов ердан ўз шахсий манфаати йўлида пала-партиш фойдаланган. Охир-оқибат Пайариқ туман судининг 2005 йил 25 февралдаги 1-33-05-сонли жиноят иши бўйича чиқарган ҳукмига кўра, бу шахс узоқ муддатга ижарага берилган ер майдонидан 1,80 гектар ерни талон-тарож қилганлиги учун Жиноят кодексининг 168-моддаси, 3-қисми “а” банди билан айбдор, деб топилди.

Хулоса шуки, ерни ҳам, элни ҳам алдаб бўлмайди. Чунки ер ўзига меҳр қўйган асл деҳқонгагина мурувват қилади. Бундай деҳқонлар ҳамиша эл ҳурматида, иззатида бўлади.

**Манзура ҒИЁСОВА,**
**Самарқанд вилоят**
**хўжалик суди судьяси**

Tahlil ko`zgusi

Huquqiy ma`rifat

# ЗАРАР ВА УНИ УНДИРИШ

## бунда қандай қонуний асосларга таяниш керак?

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

Тўлаш мажбурияти ортиқча хавф манбаига мулк ҳуқуқи, хўжалик юритиш ҳуқуқи, оператив бошқариш ҳуқуқи ёхуд бошқа ҳар қандай қонуний асосда (мулк, ижара шартномаси, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берадиган ишончнома ва ҳоказо) эгалик қилувчи юридик шахс ёки фуқарога юклатилади.

Бошқалар томонидан етказилган зарарни қоплаган шахслар Фуқаролик кодексининг 1001-моддасига асосан, зарарни етказган шахслардан тўланган товон қийматини, агар қонунда бошқача миқдор белгилаб қўйилмаган бўлса, қайта талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Уй ҳайвонлари томонидан етказилган зарар учун ушбу жониворларнинг эгалари, ундан фойдаланувчи шахслар жавобгар ҳисобланади.

Суд бундай шахсларга зарарни асл ҳолича қоплаш (шундай турдаги ашёни тақдим этиш, шикастланган ашёни тузатиб бериш ва ҳоказо) мажбуриятини юклаши мумкин.

Жабрланувчи ўзи қасддан қилган ҳаракати туфайли етказилган зарар қопланмайди. Агар жабрланувчи ўзининг эҳтиётсизлиги сабабли зарар юзага келишига ёки баттар ортишига кўмаклашган бўлса, у ҳолда ҳар иккаласининг айби қай даражадалигига қараб, тўлов миқдори камайтирилиши мумкин. Фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига жиддий зарар етказилган ҳолларда эса товон тўлашни рад этиб бўлмайди.

Қонун ҳужжатларида ёки шартномада жабрланувчиларга зарарни тўлашдан ташқари яна товон тўлаш мажбурияти ҳам белгилаб қўйилиши мумкин. Қўшимча харажатларни, боқувчисининг вафоти муносабати билан кўрилган зарарни, айниқса, дафн маросими билан боғлиқ харажатларни тўлашда жабрланувчининг айби ҳисобга олинмайди. Суд фуқаро етказган зарар миқдорини белгилашда унинг иқтисодий аҳволини ҳисобга олиб, зарар миқдорини камайтириши ҳам мумкин. Қасддан қилинган ҳаракатлар натижасида содир этилган ҳоллар бундан мустасно.

Фуқароларнинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарар билан боғлиқ низолар Фуқаролик, Меҳнат кодекслари ва ушбу муносабатларни тартибга солувчи **“Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”**ги, **“Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”**ги ва бошқа қонун ҳужжатларида, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралда қабул қилинган **“Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”**ги қарори ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Меҳнат кодексининг 197-моддаси талабига кўра, зарарни ундириш ҳақидаги аризани шахсан жабрланувчи ходим, у вафот этган тақдирда, зарар тўловини олишга ҳақли бошқа манфаатдор шахслар беради. Иш берувчи аризани 10 кун ичида кўриб чиқиб, тегишли қарор қабул қилиши ёки аризани рад этиш ҳақида асосли ёзма жавоб бериши лозим. Агар аризачи унинг қароридан норози бўлса, судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бу каби даъволарни судга тақдим қилиш пайтида даъвогарлар давлат божидан озод қилинадилар. Аммо даъво қаноатлантирилган ҳолларда давлат божи Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрда қабул қилинган **“Давлат божи ставкалари тўғрисида”**ги қарорига мувофиқ жавобгардан ундирилади. Фуқаролик кодексининг 163-моддасига мувофиқ фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги талабларга даъво муддати жорий қилинмайди.

Ходимнинг касб касаллигига чалиниши билан боғлиқ зарарнинг вужудга келишида иш берувчи жавобгарлигининг муҳим шарти — айбнинг мавжуд бўлишидадир. Шуни эътиборга олиш лозимки, иш берувчи ўзининг айбдор эмаслигини исботлаб беролмаса, касб касаллиги унинг айби билан вужудга келган ҳисобланади. Агар касб касаллиги жиддий хавф манбаининг (техник носозлик, зарарли модда ва ҳоказо) таъсири натижасида вужудга келган бўлса, бундай ҳолларда иш берувчи айбдор бўлмаса ҳам жавобгар ҳисобланади.

Юридик шахс тугатилган тақдирда тегишли тўловлар қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларга кўра, жабрланувчига тўлаш учун капиталлаштирилиши лозим. Тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки мутлақо йўқ ёки етарли эмас бўлса, белгиланган суммалар жабрланувчиларга давлат томонидан қонун ҳужжатлари асосида тўланади.

**Абдураҳим МИРЗАЕВ,**
**ҳуқуқшунос**

Qonun ijodkorligi

# ҲАКАМЛИК СУДИ
## моҳият ва тушунча

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

2006 йил 8 февралда Вазирлар Маҳкамаси томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган **"Ҳакамлик судлари тўғрисида"**ги қонун лойиҳаси учинчи ўқишда қабул қилиниб, Сенатга кўриб чиқиш учун тақдим этилди.

**"Ҳакамлик судлари тўғрисида"**ги қонуннинг қабул қилиниши тадбиркорлик субъектларига жуда катта қулайлик ва имкониятлар яратади.

Президентимиз Фармонида таъкидланганидек, хўжалик юритувчи субъектлар, жумладан, тадбиркорлар иштирокидаги шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда ҳакамлик судининг ташкил этилиши тарафларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари одилона ҳимоя қилинишида муҳим аҳамиятга эга.

Ҳакамлик судларининг икки тури мавжуд, яъни доимий фаолият кўрсатувчи ва муваққат ҳакамлик судлари. Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари юридик шахслар, уларнинг бирлашмалари томонидан ташкил этилади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, қонунда ҳакамлик судларини ташкил этиш ҳуқуқи фақат юридик шахсларга берилган. Алоҳида фуқаролик, шунингдек, якка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркорлар ҳам доимий фаолият юритувчи ҳакамлик судлари туза олмайди. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан ҳакамлик судларини ташкил этишга йўл қўймайди, бундай ҳолатда ҳакамлик судловининг мустақиллиги принципи бузилади, яъни давлатнинг мансабдор шахслари суд қарорига таъсир ўтказиши имкониятига эга бўлишади.

Юридик шахс доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилганидан, ҳакамлик судининг қоидалари ва ҳакамлик судьялари рўйхатини тасдиқлаганидан сўнг доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ташкил этилган, деб ҳисобланади.

Аниқ бир ишни кўриб чиқиш учун низолашувчи томонларнинг келишуви бўйича бир марталик муваққат ҳакамлик судларини тузиш мумкин. Тарафларнинг келишуви билан тузилган бундай ҳакамлик суди низони кўриб чиққач, ўз фаолиятини тугатади.

Қонун талабига кўра, низолашувчи тарафлар, албатта, ўрталаридаги низонинг ҳакамлик судида кўриб чиқилиши ҳақида ўзаро ихтиёрий равишда ёзма ҳакамлик битими тузишлари шарт. Бундай битим бўлмаса ёки тарафлар низони ҳал этишни ҳакамлик судига топширишга келиша олмасалар, улар фуқаролик ёки хўжалик судига даъво билан мурожаат қиладилар. Низони ҳакамлик судига оширишга тарафларни ҳеч ким мажбур қилолмайди.

Низо доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ёки муваққат ҳакамлик судида кўрилишидан қатъи назар, низолашувчи тарафлар ишни кўрадиган судьяни судьялар орасидан ёки низолашаётган соҳалар бўйича яхши мутахассисликка эга бўлган шахслардан судья сифатида танлайдилар. Албатта, ҳар икки тараф тенг миқдорда судьяларни (бир ёки икки нафардан) танлаши лозим. Ҳакамлик муҳокамасига раислик этувчи судьядан, албатта, олий юридик маълумот талаб этилади. Агар тарафлар ўзаро келишиб, ўзаро маъқул бўлган битта шахсни судья этиб тайинласалар, бу ҳолда иш якка тартибда кўриб чиқилади. Бундай ҳолатда ҳам ҳакамлик судьяси олий юридик маълумотга эга бўлиши шарт.

Низони ҳакамлик судларида кўриб чиқишда давлат судларидаги каби давлат божи тўланмаса-да, низони ҳал қилиш билан боғлиқ харажатлар тўланади. Булар ҳакамлик судьяларига тўланадиган гонорар (хизмат ҳақи), эксперт ва таржимонларга тўланиши лозим бўлган маблағлар, гувоҳлар томонидан қилинган харажатлар ва бошқа харажатлар бўлиши мумкин. Ҳакамлик судининг энг асосий принципларидан бири — бу конфиденциалликдир. Кўпинча ишда иштирок этувчи тарафлар банкдаги ҳисоб рақами, бозордаги мақеи, ўз харидорлари ҳақидаги маълумотларнинг четга чиқиб кетишига хоҳиш билдирмаслиги мумкин.

Шунга кўра ҳакамлик судида, қоида бўйича, суд мажлиси ёпиқ тарзда ўтади. Бундан кўзлаган мақсад томонларнинг тадбиркорликка оид ишчанлик обрўси ва сирларини сақлашдир. Агар тарафлар келишув битимига рози бўлишса, очиқ суд мажлиси бўлиши мумкин. Ҳакамлик муҳокамаси тартиби ўзаро келишувга асосан амалга оширилади. Ҳакамлик судьяси ҳакамлик муҳокамаси давомида ўзига аён бўлган маълумотларни ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг ёки уларнинг ҳуқуқий ворислари розилигисиз ошкор қилишга ҳақли эмас. Бу меъёр қонунда ўз ифодасини топган.

Ҳакамлик судларида юқори инстанция йўқлиги сабабли уларнинг ҳал қилув қарори дарҳол кучга киради.

**"Ҳакамлик судлари тўғрисида"**ги қонуннинг тегишли моддаларида қандай ҳолатларда ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори юзасидан ваколатли судда, яъни тегишлилигига қараб, фуқаролик ёки хўжалик судида низолашиш мумкинлиги белгиланган.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ижроси ихтиёрийлик тамойилига асосланган. Чунки судьяларни мустақил танлаш чоғида тарафлар уларга тўлиқ ишонади, бинобарин, улар чиқарган қарорни бажаришга олдиндан рози бўлишади. Бироқ турли сабаблар билан қарор ихтиёрий ижро этилмай қолиш эҳтимоли ҳам оз бўлса-да, бор. Агар қарор ихтиёрий ижро қилинмаса, у ҳолда манфаатдор томон ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақа беришни сўраб, тегишлилигига кўра, фуқаролик ёки хўжалик судига мурожаат этади.

**"Ҳакамлик судлари тўғрисида"**ги қонунда ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиш ҳамда уни мажбурий ижро этиш тартиблари берилган. **"Ҳакамлик судлари тўғрисида"**ги қонуннинг 39-моддасига асосан, ҳал қилув қарорини бекор қилиш, 43-моддасига асосан эса, ҳал қилув қарорини мажбурий ижро эттириш ҳақида манфаатдор томон низони тегишлилигига кўра, фуқаролик ёки хўжалик судларига ариза бериш мумкинлиги белгиланган. **"Ҳакамлик судлари тўғрисида"**ги қонуннинг қабул қилиниши фуқаролик ва хўжалик процессуал кодексига ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор этиш тўғрисидаги, ҳал қилув қарорини мажбурий ижрога қаратиш тўғрисидаги аризани бериш, унинг шакли ва мазмуни, кўриб чиқиш тартибини белгиловчи тегишли ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилишини тақозо этади.

Шу сабабли ҳакамлик судлари тўғрисидаги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида қонун қабул қилиниши муносабати билан Фуқаролик процессуал кодекси, Хўжалик процессуал кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш лозим, деган қарорга келинди. Чунки юқорида санаб ўтилган кодексларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши ҳакамлик судлари фаолият кўрсатиши учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлади.

Ўрни келганда шуни айтиш керакки, собиқ иттифоқ даврида қабул қилинган 1963 йил 23 мартдаги қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 3-иловаси, яъни Ҳакамлик судлари тўғрисидаги Низом ҳозирга қадар бекор қилинмаган эди. **"Ҳакамлик судлари тўғрисида"**ги қонуннинг қабул қилиниши билан ушбу 3-иловани ҳам ўз кучини йўқотган, деб топиш лозим бўлади.

**"Ҳакамлик судлари тўғрисида"**ги қонун қабул қилингани муносабати билан **"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида"**ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси Қонунчилик палатаси депутатларининг ташаббуси билан тайёрланди ва қонунчилик палатасининг биринчи ўқишида қабул қилинди. Бу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши умумюридикция судлари ва хўжалик судларининг ҳакамлик судлари ишига ёрдам бериши масаласидаги бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, **"Ҳакамлик судлари тўғрисида"**ги қонуннинг қабул қилиниши тадбиркорлик фаолиятини янада эркинлаштириш, шартномавий низоларни тезда адолатли ҳал этиш, иқтисодиётга дахлдор судлов ишини сифатли амалга ошириш, мамлакат иқтисодиётини юксалтиришда яна бир муҳим қадам бўлади.

**Ойшахон АХУНОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**

Istiqlol va imkoniyat

# ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИ ЙЎЛДА

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

**"Аудиторлик фаолияти тўғрисида"**ги қонуннинг 23-моддасида аудиторлик фаолияти амал қилиш муддати чекланмаган лицензиялар бериладиган фаолият турларига киритилганлиги боис лицензиянинг амал қилиш муддати тугаганлиги унинг амал қилишини тугатиш асослари қаторидан чиқариб ташланмоқда. Шунингдек, корхоналарни тугатиш ёки оралиқ тугатиш балансини тасдиқлашда давлат рўйхатидан ўтказувчи орган билан келишиш зарурлигига доир норма бекор қилинмоқда. Бу билан маъмурий ислоҳотлар доирасида лицензиялар ва турли рухсатномалар беришни кескин қисқартиришга эришишнинг ҳуқуқий замини яратилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, Қўмитамиз томонидан Олий Мажлис Сенати навбатдаги ялпи мажлисида кўриб чиқиш учун тақдим этилаётган қонунларнинг мазмун-моҳияти ягона эзгу мақсадга, Президентимиз қайд этганидек, мамлакатимизда давлатнинг иқтисодиётга аралашувини янада чеклаш, эркин тадбиркорлик учун амалий кафолатларни таъминлаш, иқтисодиёт ва бизнесни барқарор ривожлантириш, тўлақонли бозор инфратузилмасини шакллантириш йўлидаги мавжуд ғов-тўсиқларни бартараф этишга йўналтирилган ҳуқуқий асосни мустаҳкамлашга қаратилган.

**ЎзА мухбири**
**Ғулом МИРЗО**
**суҳбатлашди**

Ogohlik — davr talabi

***Агар ёдингизда бўлса, иккинчи жаҳон урушидан сўнг дунё қуролланиш пойгаси гирдобига тушиб қолган эди. Дунёга эгалик қилиш даъвосида юрган айрим давлатлар маънавияти, маданияти, илм-фани билан эмас, аксинча, бир-бирига совуқ қуроллари билан мақтанар эди. Ўша йиллари курраи заминнинг тақдири биргина ракета тугмасига боғлиқ бўлиб қолганди. Шукрки, ўша даврлар ўтди, қуролланиш пойгасига чек қўйилди. Бироқ бу билан дунёда тинчлик тўла қарор топгани йўқ. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов таъбири билан айтганда, бугун жаҳонда ғоявий курашлар авж олмоқда.***

# ЭЗГУЛИК ҲАМИША ҒОЛИБ

Кейинги йилларда пайдо бўлган "Ҳизбут-таҳрир","Акромийлик" каби экстремистик оқимларнинг мақсад-муддаоси борасида чуқурроқ мулоҳаза юритиб кўрсак, жаҳолат ва маърифат ўртасидаги масофа шундоқ кўз олдимизда намоён бўлади. Бу оқимларнинг тегирмонига ким сув қуяётганини таҳлил қилиб кўринг. Нега уларнинг ҳомийлари хорижий мамлакатларда яшириниб юргани ҳақидаги саволга жавоб изланг. Шунда ҳаммаси аён бўлади. Чунки бундай оқимлар, террорчилик гуруҳларига ҳомийлик қилаётган, уларни маблағ билан таъминлаётганларнинг ўзлари бориб турган жиноятчи. Мақсадлари ғаразли, ичлари кин-у адоватга тўла. Улар бугун дунё аҳлининг ярмидан кўпроғи эътиқод қилаётган муқаддас ислом динини ниқоб қилиб ўзларининг ғаразли мақсадларини амалга оширишга ҳаракат қилишаётир. Ахир, ислом динида биродар биродарининг қонини тўкмаслиги керак, дея уқтирилади. Ислом нафақат ўз диндошлари, ҳатто ўзга дин вакилларини ҳам ҳурмат қилиш зарурлиги ҳақида таълим беради. Шундай экан, бугун ўз халқига қурол ўқталаётган, юртининг тинчини бузишга ҳаракат қилаётган "диндор"лар, яъни турли оқимлар аъзоларини ким, деб аташ мумкин?!.

Касбимиз тақозаси билан турли оқимлар аъзолари, террористик хуружлар иштирокчилари билан учрашиш, суҳбатлашишга тўғри келади. Шундай пайтларда мен уларга саволлар бераман. Жуда кўпчилигининг жавоби тахминан бир хил. Яъни "биз қурбонлар бўлишини билмагандик", "Уларнинг йўлини тўғри, деб адашган эканмиз. Энди хатомизни англаб етдик" ва ҳоказо. Аён бўлишича, уларнинг аксарияти нафақат диний, ҳатто дунёвий билимлардан ҳам бехабар ёшлар.

Чунки хоҳ диний, хоҳ дунёвий бўлсин – билими бор одам, ақлини таниган инсон ҳеч қачон ўз халқига қарши қурол кўтармайди. Бундай ишга қўл урган кимсалар учига чиққан маърифатсиз, маънавиятсиз манқуртлардир.

Албатта, бу қора ишларнинг ортида турганларни, тажрибасиз ёшларни алдаб, террорчилик йўлига олиб кирганларни халқнинг қарғиши уради.

Яқинда якка-ю ёлғиз ўғли алдовга учиб, "Ҳизбут-таҳрир"чилар гуруҳига қўшилиб қолган ота билан суҳбатлашиб қолдим. Отахон бўлиб ўтган воқеалар ҳақида шундай ҳикоя қилади:

"Умр бўйи ўқитувчилик қилдим. Болаларни ўқитдим, билмаганини ўргатдим. Болаларга илм бериб, уларни зиё йўлига олиб кирдим. Афсус, минг афсуски, ўзимнинг якка-ю ёлғиз фарзандимни тўғри йўлга сола олмаган эканман... Ўғлим ўз билими билан олий ўқув юртига кирганида кўксим тоғдек кўтарилганди. У ўрта мактабда ҳам аъло баҳоларга ўқирди. Олий ўқув юртида ҳам учинчи курсгача аълочи эди. Тўртинчи курсга ўтди-ю бирдан ўзгариб қолди. Аввалига намоз ўқий бошлади. Онаси иккаламиз ўшанда ҳам хурсанд бўлганмиз. Ҳарқалай кўчада санқиб юргандан кўра намоз ўқигани яхшику, деб ўйлаганмиз-да. Кейинчалик ўқишини ташлаб юборди. Феълида кескин ўзгаришлар юз берди. Ўқитувчи эмасманми, ундаги ўзгаришларни тез англадим — хато йўлга тушиб қолганини сездим. Аввалига уни бу йўлдан ўзим қайтаришга уриниб кўрдим. Насиҳат қилдим. Алдаб-авраб кўрдим. Дўқ-пўписа қилдим. Бирортаси кор қилмади. Шунда унинг атрофидагилар мендан кўра кўпроқ таъсир кўрсатаётганини, агар олдини олмасам, ўғлимдан ажралиб қолишимни сездим. Шундан кейин ўзим бориб ҳуқуқтартибот идораларига мурожаат қилдим... Ўғлимни, унинг атрофидагиларни қўлга олишди. Орадан кўп ўтмай Тошкентда портлашлар содир бўлди. Шунгача ўғлим мендан хафа эди. Ҳибсхонага кўргани борсам ҳам гаплашмасди. Портлашлардан кейин унинг кўзи очилди. Қандай мудҳиш йўлга кириб қолганини англаб етди. Онасидан, мендан кечирим сўради. Ҳозир ўғлим тўғри йўлга қайтди. Яна ўқишини давом эттираяпти. Лекин мен ўзим туғилиб ўсган маҳалладан кўчиб кетдим. Аниқроғи, кўчиб кетишга мажбур бўлдим. Маҳалладошлари маломат қилгандир, деб ўйламанг. Менга ҳеч ким ортиқча гапиргани йўқ. Эл орасида ўзимга яраша ҳурматим бор. Лекин номус қилдим, элдан уялдим. Одамларнинг кўзига тик қарай олмай қолдим. Кимдир бир куни: "Мана шу одам ўқитувчи бўла туриб, ўз фарзандига тарбия бера олмаган", деган гапни айтишидан қўрқдим..."

Отахоннинг гапларига изоҳ беришнинг ҳожати бўлмаса керак. Лекин биз ўз-ўзимизга: "фалончининг қадам олиши нега ўзгариб қолди?", деган саволни беришимиз керак-ку. "Бу бола менга бегона, ўзимнинг болам тўғри бўлса бас", қабилидаги ақидалардан қутулишимиз лозим. Ахир, ота-боболаримиз "бир болага етти маҳалла ота-она", деган гапни бежиз айтмаган. Бу ҳикмат замирида олам-жаҳон маъно-мазмун бор. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз раҳбари ҳамиша бизни, қолаверса, бутун дунёни огоҳликка чорлаб келади.

Бундан беш-олти йил муқаддам ривожланган ғарб мамлакатлари ўзларини ҳар қандай террорчилик хуружларидан холи ҳисоблашарди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юксак минбаридан туриб, уларни огоҳликка чорлаганда ҳам пинакларини бузишмаганди. Лекин 2001 йил 11 сентябрда террорчилар томонидан АҚШда содир этилган мудҳиш портлашлар, ўтган йили Лондонда юз берган хунрезликлар бугунги кунда бирор-бир давлат террор балосидан мустасно эмаслигини кўрсатди. Ваҳоланки, жаҳон ҳамжамияти аввалроқ қўлни қўлга бериб ҳаракатга киришганида, бундай фожиали воқеалар содир бўлмаслиги мумкин эди.

Ҳа, бугун жаҳон оммавий қирғин қуроллари пойгасидан қутулди. Энди дунё ғоявий курашлар гирдобига тортилмоқда, террорчилик балосидан азият чекмоқда. Дунёнинг қай бир мамлакатида портлаш содир бўлмасин, у ҳар биримизнинг юрагимизда акс-садо беради. Шундай экан, биз қайси миллат, элат ёки халқ вакили бўлишимиздан қатъи назар, дунёга очиқ кўз билан қарашимиз, атрофдагиларни ҳам огоҳликка даъват этишимиз даркор. Яна шуни ҳам унутмаслик керакки, ёвузлик ҳеч қачон эзгуликни енга олмайди. Эзгулик ҳамиша ғолиб.

**Салоҳиддин САХАДДИНОВ,**
**ҳуқуқшунос**

Faoliyat

**Оила — муқаддас маскан. Чунки баркамол инсон оилада вояга етади. Оиланинг пойдевори мустаҳкам бўлса, жамиятнинг эртанги куни ҳам ёруғ бўлади.**

# КЕЛАЖАК БЕШИГИ



Истиқлол йилларида бу борада ҳам мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилди. Оила кодексининг 17-моддасида никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказишни белгиланиши ҳам моҳият-эътибори билан ана шу қутлуғ мақсадга хизмат қилади. Чунки никоҳдан ўтаётган йигит ва қизнинг тиббий кўрикдан ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — соғлом оилани шакллантириш, келажак авлодни ирсий хасталиклардан асраш, ногирон болалар туғилишининг олдини олишдан иборатдир.

2005 йилда ФҲДЁ бўлимига мурожаат этган барча шахслар, нечанчи никоҳдан ўтаётганидан қатъи назар, белгиланган тартибда турар-жой бўйича марказий ва оилавий поликлиникаларда тиббий кўрикдан ўтди.

Тиббий кўрикдан ўтишдаги баъзи муаммоларга эса никоҳланувчиларнинг ўзлари сабабчи бўлмоқдалар. Жумладан, айрим йигит-қизлар тўйга бир ҳафта қолганда мурожаат қилиб, тезда кўрикдан ўтишни хоҳлайдилар. Албатта, бундай ҳол тиббий кўрик сифатига ўз таъсирини ўтказиши мумкин.

Бунинг устига айрим йигит-қизлар узоқни кўра олмаслиги, шошма-шошарлик билан иш тутиши ҳам айрим қийинчиликларни юзага келтирмоқда. Масалан, тиббий кўрикда бир йигитнинг оғир касалликка чалингани аниқланди. Шифокорларнинг бу ҳақда бўлажак келинга хабар қилишга ҳаққи йўқ. Чунки қонунга мувофиқ ўша йигитга дахлдор шахсий маълумотларни унинг рухсатисиз ҳеч кимга ошкор қилиб бўлмайди. Йигитга "турмуш қурма", деб айтиш, унинг ҳуқуқларини поймол қилиш билан баробар. Бировнинг ҳаётини барбод этишдан ўзини тия олиш-олмаслик йигитнинг виждонига ҳавола этилди. Бироқ йигит "тўй тўхтатилмайди, акс ҳолда менда нуқсон бор экан, деб ўйлашларини хоҳламайман", деган фикрда қатъий туриб олди. Тўғри, ор-номус, андиша яхши фазилат, аммо ўзини ва туғилажак фарзанди ҳаётини хавф остига қўйишни сира оқлаб бўлмайди.

Албатта, бундай кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олишда тарғибот-тушунтириш ишларининг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Чунки никоҳ фақат икки ёшнинг шахсий иши эмас, унинг замирида ижтимоий манфаат, яъни келажак авлод тақдири ётади.

Кейинги пайтларда айрим ота-оналар ва келин-куёвнинг хоҳишига кўра никоҳ тўй ўтказилаётган жойларда қайд этилаяпти. Эҳтимол, бу тўй харажатлари билан боғлиқдир?

Бироқ масаланинг бошқа муҳим томони бор. Яъни никоҳ гувоҳномаси — давлатимиз герби ва байроғи остида, тантанали равишда топшириладиган ҳужжат. Тўй, никоҳ инсон ҳаётида ўчмас из қолдирадиган ҳаяжонли ва энг бахтли дақиқадир. Никоҳ ортиқча ҳашамларсиз ФҲДЁ бўлимларида қайд этилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки бугун ҳар бир ФҲДЁ бўлимида айнан шундай тантаналарга мўлжалланган хоналар мавжуд.

Оила жамиятимизнинг ажралмас қисми, унда янги авлод дунёга келади ва вояга етади. Демак, у келажакка, сиз билан бизнинг эртанги кунимизга дахлдор.

**Барно РЎЗИЕВА,**
**Тошкент шаҳри**

Jinoyat va jazo

# УМР ЗАВОЛИ

**Кексалар қиз болани палахмон тошига менгзашади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ота уйида ниҳол бўлиб вояга етган қиз, ўзга уйда туп қўйиб, палак ёзади. Мақоламиз қаҳрамони Шаҳнозанинг тақдири ҳам шундай бўлди. У қишлоқдан шаҳарга келин бўлиб тушди. Келинликнинг оппоқ либосини кийишдан аввал ҳар бир қизнинг кўнгил тубида бир олам орзу-ниятлар бўлади. Насибилло исмли йигит билан бир ёстиққа бош қўйган Шаҳнозанинг ҳам орзу-умидлари бисёр эди. Аммо "ишқ бошқа, ҳавас бошқа" деганларидек, ойдек қизнинг бахти очилмади...**

СУД ОЧЕРКИ

Гап шундаки, тўйгача сипогина юрган Насибуллонинг барча ваъдалари кейин ёлғон бўлиб чиқди. Ҳали чилласи чиқмаган келинчак Насибулло аввал ҳам уйланиб, ажрашгани ва биринчи оиласидан бир нафар боласи ҳам бор эканини эшитди.

Устига устак тўйдан кўп ўтмай куёв боланинг муқаддам икки марта қамалиб чиққани, ичкиликка берилгани, бу ҳам камдай, гиёҳванд моддалар истеъмол қилиши маълум бўлиб қолди.

Буларнинг баридан хабар топган Шаҳноза дардини онасига айтди. "Ажрашаман! Бундай одам билан бирга яшай олмайман", деди. Она она экан-да, қизининг дардини эшитиб, унга қўшилиб йиғлаб-сиқтади. Лекин "ажрашаман", деганига кўнмади. "Мени ўйламасанг ҳам отангни, акангни ўйла, улар эл ичида қандай бош кўтариб юради?! Балки тезроқ фарзандли бўлсанглар, куёвга ҳам инсоф бериб қолар", деб насиҳат қилди.

Булар ҳали ҳолва экан. Бундан ҳам ёмони кейин юз берди. Яъни эндигина йигирма кунлик келинчакни куёв спиртли ичимлик ичишга мажбур қилди. Келинчакнинг "ичмайман", деб ялиниб-ёлвориши ҳам Насибуллонинг тош қотган кўнглини юмшатмади. Шундай кунларнинг бирида Насибулло Шаҳнозага кўнглини "ёрди". Йўқ, у сиз ўйлагандек, муҳаббат ҳақида гапирмади. Аксинча...

—Мана шу ўтирган уйимиз Омонилло амакимнинг номида. Йўлини қилиб уни ўзимизнинг номимизга ўтказиб олишимиз керак. Бунинг учун аввал амакимни уйдан ҳайдаш лозим. Ҳайдаш учун эса баҳона топиш зарур. Мен шундай баҳонани топиб қўйганман. Энди сенинг ёрдаминг керак, холос...

Келинчак бу гапларни эшитиб, юраги орқага тортиб кетди ва эрига қўрқа-писа қаради. Кейин эшитилар-эшитилмас овозда сўради:

–Мен нима қилишим керак?

Куёв бола шу тобда орзуси амалга ошиб қоладигандек, шоша-пиша келин томонга энгашиб, унинг қулоғига шивирлади:

–Сен менинг олдимда амакимнинг тегажаклик қилганини айтасан...

Унинг гапини эшитиб, келиннинг ранг-кути ўчиб кетди:

—Вой, қайси юз билан туҳмат қиламан?! Агар бу гап тарқалиб кетса, эртага қўни-қўшни, қариндош-уруғларнинг кўзига қандай қарайман?! Қолаверса, оиламизнинг шаъни нима бўлади?! – деди у.

Унинг бу гапларидан куёвнинг жаҳли чиқди. Туйқус унинг туси ўзгарди:

— Мен нима десам, шуни қиласан, уқдингми?!.– деди у дағда билан.

Бироқ келинчак ўз сўзида туриб олди:

— Йўқ!

— Агар гапимга кўнмасанг, айтганимни қилмасанг, мана сенга...

Кутилмаганда келинчакнинг юз-кўзи аралаш мушт ёғилди. Қутуриб кетган Насибуллонинг нафақат қўли, балки оёқлари ҳам тенг ишлар, бунга сари ерпарчин бўлиб ётган Шаҳноза унга ялиниб-ёлворарди.

Қисқаси, ўша куни Насибулло Шаҳнозани қийин-қистовга олиб, ўзининг разил мақсадига кўндирди. Эртаси кун келин куёвнинг олдида амакисига туҳмат қилди... Шундай қилиб икки ўртада жанжал чиқди. Жиян амакисининг ёқасидан олди... Бу жанжалга бошқа қариндош-уруғ ҳам қўшилди.

*(Давоми тўртинчи бетда)*




## ВЕНЕСУЭЛА ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЧИҚИШИ

Якшанба куни Венесуэла президенти Уго Чавес телевидиние орқали навбатдаги ҳафталик "Алло, президент" кўрсатувида АҚШ



давлат котиби Кондолиза Райс шаънига бир қанча аччиқ сўзларни айтди. Чунки ўтган ҳафта АҚШ конгрессида нутқ сўзлаган Кондо-



лиза Райс Чавесни "демократия душмани" деб атаган эди.

Чавес телевидиние орқали чиқишида Вашингтон ҳеч қачон халқаро ҳамжамиятни Каракасга қарши қўя олмаслигини ҳам таъкидлаб ўтди. Шунингдек, у Жорж Буш маъмуриятини Венесуэлада иш ташлаш ва оммавий тартибсизликлар келтириб чиқаришга уринаётганликда айблади.

Ўтган ҳафтанинг жума куни президент Уго Чавес "агар Вашингтон Венесуэлага ҳужум қиладиган бўлса, Венесуэла АҚШга нефт маҳсулотлари сотишни тўхтатиш чорасини кўриши" ҳақида огоҳлантирган эди.

## ИРОҚДА ЯНА ПОРТЛАШЛАР

"Интерфакс" ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, душанба куни Ироқда содир этилган терактлар натижасида 21 нафар тинч аҳоли вакили қурбон бўлган ва 45 нафар киши турли даражадаги тан жароҳати олган.

Ҳозирча Ироқ пойтахти Бағдоднинг шимолий ҳудудида жойлашган Козимия мавзесида содир этилган портлаш энг кўп талофат келтиргани ҳақида маълумотлар бор. Чунки йўловчи автобусга чиқиб олган террорчи ўзини портлатиб юборган. Воқеа пайтида автобусда бўлган 12 нафар тинч аҳоли вакили қурбон бўлган ва 10 нафар йўловчи тан жароҳати олган.



Шунингдек, Боғдод марказидаги Ат-Тоҳир майдонида ҳам террорчилар томонидан портлаш содир этилган. Расмий маълумотларга қараганда, террорчи харидорлар кўп тўпланадиган дўкон пештахтаси ёнида бомба солинган қопни қолдириб кетган. Портлаш оқибатида 4 нафар фуқаро қурбон бўлган ва 14 нафари эса турли даражадаги тан жароҳати олган.

Мосул шаҳридаги ресторанлардан бирида содир этилган портлаш оқибатида эса яна 5 нафар фуқаро қурбон бўлган ва 21 нафар фуқаро тан жароҳати олган.

## ЯНА ГУАНТАНАМО ҲАҚИДА

–Европа Кенгаши Парламенти Ассамблияси АҚШни




Гуантанамо қамоқхонасини ёпишга чақирди, – деди Ассамблия раиси Рене ван дер Линден.

У ўз сўзида, шунингдек, "Гуантанамо ҳарбий базаси ҳудудида жойлашган қамоқхона халқаро инсон ҳуқуқлари меъёрини бузишнинг ёрқин мисоли эканини, шунинг учун ҳам АҚШ томон бу қамоқхонада сақланаётган маҳбуслар устида зудлик билан суд жараёнини бошлаши ёки уларнинг барчасини озод қилиши зарурлигини" ҳам таъкидлаб ўтди.

## ПАРРАНДА ГРИППИ АВЖ ОЛМОҚДА

Сўнгги маълумотларга қараганда, кейинги пайтларда парранда гриппи дунё бўйлаб тарқалмоқда. Мутахассисларнинг H5N1 вирусига қарши кураши ҳозирча кутилган натижани бермаяпти. Яқинда матбуотда Ҳиндистоннинг жанубий Махараштра штатида ушбу вирус туфайли 30 мингдан ошиқ хонаки паррандалар нобуд бўлгани ҳақида хабарлар тарқалган эди. Лекин ҳозирча Ҳиндистонда фақат бир киши парранда гриппи билан касалланиб, вафот этгани ҳақида маълумот бор.

Мисрда эса парранда гриппи туфайли 8 та катта ҳайвонат боғи ёпилган. Бугунгача Мисрнинг 27 вилоятидан 8 тасида парранда гриппи тарқалгани аниқланган.

Шунингдек, парранда гриппи Германия аҳолисига ҳам жиддий хавф солмоқда. Шунинг учун ҳам бу мамлакатнинг касаллик тарқалган ҳудудларида яшаётган аҳоли уй паррандаларини оммавий тарзда йўқотишга киришган.



## ЯНГИ ДАВЛАТ ПАЙДО БЎЛАДИМИ?

Яқин орада дунё харитасида янги мустақил мамлакат пайдо бўлиши кутилмоқда, деб хабар тарқатади "РИА-Новости" ахборот агентлиги. Агентлик тарқатган маълумотга кўра, Тинч океанининг жанубида жойлашган Токелау ороли аҳолиси айнан мана шу масала юзасидан ўтказилаётган референдумда иштирок этмоқда. Ушбу референдумда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 4 нафар вакили кузатувчи сифатида қатнашмоқда. Айни пайтда бу орол Янги Зеландия давлати таркибига киради. Агар референдум кутилган натижани берса, умумий майдони 12 квадрат километрдан иборат бу оролчада ер шаридаги энг кичик мустақил давлат юзага келиши мумкин.

**ҳуқуқшунос**
**Гулчеҳра АКТАЙБАЕВА**
**тайёрлади**

Mulohaza

# ҚЎШИҚ – МИЛЛАТНИНГ ЮЗИ!

**Дунёда таржима қилинмайдиган, жаҳондаги жамики миллат, элат ва халқлар учун тушунарли бўлган ягона тил бор. Бу – қўшиқ тили. Бу – куй тили, оҳанг тили.**

Ваҳоланки, кўпчилигимиз хорижий тилларни тушунмасакда, мусиқанинг серзавқ оҳанги ва хонанданинг ширали овози бизни ўз сеҳрига тортади, ҳузур бағишлайди. Зеро, қўшиқчилик санъати, асосан, қулоқ билан эшитилиб, дил билан англанади.

Айни пайтда қўшиқчилик муаммолари борасида кўплаб баҳс-мунозаралар уюштирилаётир. Лекин...

Эътибор берган бўлсангиз, замонавий эстрада ҳақидаги телебаҳслар, радиоэшиттиришлар ва турли нашрлардаги чиқишларда асосан, янги қўшиқларнинг сўзлари, четдан ўзлаштирилаётган мусиқалар ҳақида қизғин фикр юритилади. Хўш, бу фикрларга ёш хонандаларимиз қай даражада эътибор қаратишаяпти? Ўзларига керакли хулосаларни чиқариб олишаяптими?



Бугун тенгдошларимиз орасида анчагина машҳур бўлиб қолган «Божалар» гуруҳининг мана бу қўшиғи сўзларига эътибор беринг:

**Шессотый "Мерсим" бўлганида мани,**
**Манзилига элтардим шу қизчани...**

Ёки «Зеро» гуруҳи хонандалари ижросидаги мана бу сўзларга диққат қилинг:

***Йўқ проблем,***
***Ҳар доим йўқ проблем,***
***Это понятно всем...***

Ушбу "қўшиқ"ларни эшитиб беихтиёр энсангиз қотади. Хонандалар нима демоқчи ўзи?! Тингловчилар бу қўшиқлардан қанақа маънавий озиқ олади?! Афсуски, бу саволларнинг бирортасига ҳам жавоб йўқ. Ҳатто бу қўшиқларни куйлаган хонандалар, ушбу "гўзал" сўзларни қалаштирган "шоир"лар ва уларга куй басталаган басталорлар ҳам юқоридаги саволларга жавоб топиб бера олишмайди. Чунки на ўзбекча ва на русча "куйланган" бу "қўшиқ"лар бирор-бир мезонга тўғри келмайди. Агар бундай қўшиққа таъриф жоиз бўлса, уни фақат алаҳсираш, дейиш мумкин...

Бугун кўпчилик ёшлар танилиб қолган хонанда Даврон Эргашевнинг "Марио" қўшиғини "севиб" тинглашади. Келинг, ушбу "қўшиқ"дан ҳам бир иқтибос келтирайлик.

***Ухлавотти Марио,***
***Дам оватти Марио,***
***Қаттасан, э, Марио,***
***Келмайсанми, Марио...***

Хўш, ушбу тўрт сатрда қандай мазмун бор?! Мен хонанданинг мақсадини англай олмадим. Қандайдир бир Марионинг ухлаётгани-ю дам олаётгани, яна чақирса ҳам келмаётганини англаш мумкин. Хўш, унинг ухлаётгани ёки дам олаётгани тингловчига қандай завқ улашади?!

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хонандаларнинг бу каби хом-хатала "ижод намуна"ларини тингловчига мажбурлаб тиқиштиришга қандай ҳақ-ҳуқуқлари бор?! Агар шундай савол билан мурожаат қилсангиз, "чала пишган" қўшиқларни тақдим этаётган айрим хусусий радио вакиллари "ёқмаса эшитманг", дейишади.



Сўзимиз аввалида четдан ўзлаштирилаётган қўшиқ ва куйлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтгандик. Келинг, бу фикримизни ҳам мисоллар ёрдамида ёритишга ҳаракат қилиб кўрайлик. Агар бошловчи хонанда бирор-бир машҳур хонанданинг қўшиғи ёки куйидан фойдаланса ёки уларга тақлид қилса, бу ҳолатни тушуниш мумкин. «Санъат тақлиддан бошланади», деган гап бор. Лекин аллақачон танилган, ўз услуби ва ўз йўналишига эга хонандаларнинг бошқа санъаткорларнинг куй-қўшиқларини ўзлаштиришларини қандай баҳолаш мумкин?!

Масалан, истеъдодли эстрада хонандаларидан бирининг "Боролмадим ёнингга" деб номланадиган қўшиғини ёшлар севиб тинглайди. Лекин бу қўшиқ ва куй қорақалпоқ хонандалари репертуаридан аллақачон жой олиб улгурган. Бироқ, хонанда концертларида бу ҳақда айтишни "унутиб" қўяди.

Тўғри, санъат миллат танламайди. Шу маънода бошқа миллат тилида куйлаш ёки бошқа миллат санъаткорларининг қўшиқларини ўзбекча оҳангда ижро этиш мумкин. Лекин бу қўшиқ ёки куй қайси халқ ёки санъаткорга тегишли эканини айтиб ўтиш керак-ку? Чунки муаллифлик ҳуқуқи, деган гаплар бор. Масаланинг бу томонини ҳам унутиб қўймаслик лозим.

Кўп ҳолларда бирор-бир хонанда ҳақида мақола эълон қилаётган нашрлар ёки хонандаларнинг концерт дастурларини реклама қилаётган теле ва радио журналистлар "эстрадамизнинг ёрқин юлдузи", "бетакрор овоз соҳиби", "қизларнинг севимли хонандаси", "мафтункор"сингари таърифларни ишлатишади. Сир эмаски, кейинги йилларда "ўчиб" қолган ўнлаб «ёрқин юлдуз"ларни кўрдик. Демак, кеча саҳнага чиққан хонандага нисбатан "ёрқин юлдуз", дея таъриф бериш нотўғри. Дейлик, Ботир Зокиров том маънодаги ўзбек эстрадасининг юлдузи!

"Қизларнинг севимли хонандаси", деган иборани ҳазм қилиб бўлмайди. Дейлик, мен бирор-бир хонанданинг қўшиғини яхши кўришим, севиб тинглашим мумкин. Лекин бу билан у менинг "севимли" кишимга айланиб қолмайди-ку? Бошқаларни билмадим-у, лекин мен бу иборани қизларга нисбатан ишлатишни ножоиз деб тушунаман.

"Мафтункор чеҳра"нинг ҳам санъатга умуман алоқаси йўқ. Киши ҳар қанча табиий гўзал ва латофатли бўлмасин, қўшиқ куйлай олмаслиги ёки аксинча, табиатан хунук бўлса ҳам гўзал овоз соҳиби бўлиши мумкин. Шундай экан, хонандаларимизнинг жонкуяр "реклама"чилари бу ҳақда ҳам ўйлаб кўришса, ёмон бўлмасди.

Балки ушбу мулоҳазаларим айрим хонандаларимизга оғир ботар. Илло, мен бировни ранжитиш учун бу фикрларни айтаётганим йўқ. Айтмоқчи бўлганим шуки, санъат — у эстрада йўналишида бўладими ёки бошқа бир шаклдами — албатта, миллатнинг маънавиятини юксалтиришга хизмат қилиши даркор. Чунки ҳар бир миллатнинг санъатида унинг бой маданияти, ички олами акс этади. "Қўшиқ – миллатнинг юзи!" деб шунга айтадилар.

Бу ҳақда сиз қандай фикрдасиз, азиз муштарий!

**Наргиза БЕКБЕРГЕНОВА,**
**ЎзДЖТУ "Халқаро журналистика" факультети 1-босқич талабаси**

Sirli dunyo

# ЭЛЬДОРАДОНИ ИЗЛАБ

***(иккинчи мақола)***

"Олтинлар водийсидаги тоғлар оддий харсанг тошлардан эмас, аксинча, соф олтин қуймалардан иборат!" Бир замонлар аллаким томонидан айтилган бу сўзлар одамзот боласининг хаёлини ўғирлаб келган. Биз аввалги мақоламизда умрини Эльдорадо водийсини излашга бағишлаб, охир-оқибат фожиали ўлим топган англиялик шоир ва қироличанинг маслаҳатчиси Уолтер Рейли ҳақида ҳикоя қилган эдик. Бу гал ҳам ушбу мавзуни давом эттириб, шоир Уолтер Рейлининг издошлари ҳақида ёзишга қарор қилдик.

Маълумки, Рейли олтинлар водийсини изловчилар орасида биринчиси ва шу жумладан, охиргиси ҳам эмасди. 1535 йилда Кито давлати фуқароси Себастьян де Белалькасар ҳам пухта тайёрланган экспедеция билан олтинлар водийсини излаб сафарга отланади. Ушбу экспедеция аъзолари ҳам Эльдорадони топишларига ишончлари комил эди. Чунки бу пайтга келиб олтинлар водийси ҳақидаги гап-сўзлар шу даражада кўпайган эдики, ҳатто айрим кимсалар уялмай-нетмай бу водийни ўз кўзлари билан кўрганликлари ҳақида ҳам гапиришарди.

Водийни "ўз кўзи билан кўрган" Ф. Пикассо у ҳақида шундай дейди:

–Элдорадо чексиз-чегарасиз водий. Унинг пойтахти Амазонка ва Ориноко дарёлари ўртасидаги Парима кўлининг соҳилида жойлашган. У ерда олтиннинг биздаги оддий тошчалик қадр-қиммати йўқ...

Яна бир испан фуқароси эса қуйидагича гувоҳлик беради:

–Мен Эльдорадо водийсида етти ой яшадим ва шунга гувоҳ бўлдимки, ҳатто эртакларда ҳам олтин бу даражада беқадр бўлмаган. Эльдорадо қироли устига кийим киймайди. Унинг хос кишилари ҳар куни эрталаб қиролнинг баданига махсус елим суришади ва олтин кукунини пуркашади. Шу тариқа олтин ҳайкалга айланади. Кечки пайт эса унинг танасидаги олтин зарралари билан қопланган елимни махсус эритмада ювиб ташлашади.

Балки ушбу афсонавий водийнинг Эльдорадо номини олишига ҳам айнан мана шу афсона сабаб бўлгандир. Чунки испан тилидаги "эль-дорадо" сўзи ўзбекчага ўгирилганда "олтин суви юритилган", деган маънони англатади.

Агар даврдан озгина олдинга ўтиб фикрлайдиган бўлсак, бу фикр хато эканига ишонч ҳосил қиламиз. Чунки инсон нафақат оғиз-бурнидан, балки тана терисининг ҳар бир ҳужайрасидан нафас олади. Демак, оғиз-бурун очиқ турган ҳолда тананинг бошқа қисми нафас олмаса ҳам инсон бир неча соатдан ортиқ бардош бера олмайди. Албатта, бу тиббиётда ўз исботини топган фикр. Лекин у пайтларда ҳали тиббиёт ривожланмаган эди. Демак, ўша даврнинг одамлари юқоридагидай афсоналарга ишонишарди.

Энди яна Себастьян Белалькасар экспедециясига қайтсак. Ушбу гуруҳ вакиллари олтинлар водийсини қидириб роппа-роса тўрт йил овора-ю сарсон бўлишди. Ўтган вақт давомида гуруҳ аъзоларининг кўпчилиги машаққатли йўл азобига чидолмай ҳаётдан кўз юмди...

Хуллас, ушбу гуруҳ аъзолари ҳам худди Рейли экспедецияси каби ўз ватанлари Китога қуруқ қўл билан қайтиб келишди.

Лекин олтинлар водийси ҳақидаги афсоналар ҳамон кўпчиликка тинчлик бермасди. Шунинг учун ҳам ушбу афсонавий водийни топишга умид боғлаган кимсалар кундан-кунга кўпайса кўпаяр эди-ки, аммо камаймасди. Ҳали у мамлакат, ҳали бу мамлакатда олтинлар водийсини топиш учун махсус экспедециялар ташкил этилар, уларга катта-катта маблағлар ажратар, бирининг кетидан иккинчи экспедеция узоқ сафар йўл оларди. Аксига олгандек, Эльдорадо топила қолмасди. Олтинлар водийсини қидириб йўлга чиққан экспедецияларнинг саноқли гуруҳларигина ўз ватанига қайтиш бахтига мушарраф бўларди. Қайтган гуруҳлар ҳам жуда кўп сафардошларини саҳро-ю чўлларда, ботқоғ-у кўлларда қолдириб келарди. Лекин буларнинг бирортаси "олтин сеҳри"га маҳлиё бўлганларни бу хатарли йўлдан қайтара олмасди.

Ўз вақтида тарихчи Плиний Хриза ороли ҳақида ёзиб қолдирган. Унинг гувоҳлик беришича, бу орол бутунлай олтиндан таркиб топган экан. Шунинг учун ҳам орол аҳолиси олтинни бир чақага олмаскан. Орадан маълум вақт ўтиб Птолемей олтин орол ҳақида янада аниқроқ "ахборот" беради. Унинг ёзишича, "олтин тоғлардан иборат орол Ҳинд уммонининг 8 градус 5 шарқий кенглигида жойлашган..."

Агар тарих саҳифаларини варақласангиз, давр ўтган сари Эльдорадо ҳақидаги афсоналар камайиш ўрнига кўпайиб борганлигига гувоҳ бўласиз. Чунки аввалига ягона бўлган олтин водий, кейинчалик "олтин водийлар"га айланган. Шунингдек, олтин орол атамаси ҳам ўз ўрнини "олтин ороллар" атамасига бўшатиб берган. Қолаверса, турли даврларда яшаб ўтган тарихчи ва географ олимлар Эльдорадо водийсини турли мамлакатлар ҳудудида эканини ёзиб қолдиришган.

Масалан, XII асрда Идрис шаҳрида яшаб ўтган араб географ олими "Эльдорадо – олтинлар водийси Цейлон (ҳозирги Шри-Ланка)нинг жанубий ҳудудида жойлашган. Бу юртда ҳатто итларга ҳам олтин занжир тақишади", деб гувоҳлик беради. "Инжил"да эса Офир номли олтинлар мамлакати ҳақида ҳикоя қилинади. Айнан Офир мамлакати қаердалигини топиш учун ҳам жуда кўп тарихчилар изланишлар олиб борган. Лекин уларнинг ҳам фикри бир жойдан чиқмайди. Дейлик, немис тарихчи олими Б.Мориц бу ўлка жанубий Арабистонда жойлашган деб ёзса, француз олими Ж.Ойер олтинлар мамлакати Нубуя ҳудудида бўлган, деб ҳисоблайди. Яна бошқа бир тарихчилар эса олтинлар водийсини шарқий Африкадан излаш керак дейишса, бошқа бирлари бу водий Ҳиндистон ҳудудида жойлашгани аниқ, дейишади. Ҳатто улар орасида олтинлар водийсини Соломон оролларидан излаш керак, дегувчилар ҳам топилади...

Албатта, юқоридаги фикрларнинг ҳаммаси тахминлардан иборат. Чунки орадан ўтган юзлаб йиллар давомида ҳеч ким Эльдорадони топа олгани йўқ.

Мақоламизга нуқта қўйишдан аввал Эльдорадо водийсини қидириб чиққан сўнгги экспедеция қайси, деган саволга жавоб берсак ёмон бўлмасди. Қўлимиздаги маълумотларнинг гувоҳлик беришича, олтин изловчиларнинг сўнгги экспедецияси 1748 Голландиядан йўлга отланган. Табиийки, ушбу афсонавий водийни топиш уларга ҳам насиб этмаган. Яна шуни айтиб ўтиш кераки, биз ушбу мухтасар мақоламизда турли давлатлардан олтин илинжида йўлга отланган расмий экспедециялар ҳақида сўз юритдик. Улар орасида ўз хоҳиши ва ўз маблағи эвазига Эльдорадони топиш умидида йўлга чиққанлар ҳам бор. Қолаверса, бугунги фан-техника ривожланган, одамлар турли афсона-ю ривоятларга ишонмай қўйган бир даврда ҳам ҳамон олтин изловчилар борлиги, кимлардир афсонавий Эльдорадони топиш илинжида яшаётгани ҳам бор гап...

Хулоса ўрнида Шарқ донишмандлари айтган бир фикрни келтириб ўтсак. Ота-боболаримиз "олтин олма дуо ол, дуо олтин эмасми?" дейишган. Дарҳақиқат, осмондаги ойни олиш илинжида яшагандан кўра, ёнингиздаги қўшнингизнинг кўнглини олинг. У сизни дуо қилади. Дуо эса олтиндан қимматроқдир.

**Жасурбек САТТАРОВ**
**Акмалхон АКБАРОВ**
**тайёрлади**

## ЭЪЛОН!

**Самарқанд вилоят адлия бошқармаси Иштихон туман 2-сон нотариал идораси нотариуслиги лавозимига танлов эълон қилади**

**Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган олий юридик маълумотли, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.**

**Даъвогарлар танлов газетада эълон қилинган кундан бошлаб, бир ой муддатда Самарқанд вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилишлари мумкин. Даъвогарлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим:**

*1. Нотариат бўйича Малака комиссияси номига ариза;*

*2. Паспорт нусхаси;*

*3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;*

*4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;*

*5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;*

*6. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган фуқаро қайта малака имтиҳонини топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма.*

**Мурожаат учун манзил: Самарқанд шаҳри, Камол-Отатурк кўчаси 21 уй.**
**Маълумотлар учун телефон: 33-13-59, 33-71-57.**



*Баҳор тоғлардан бошланади*

## ЭЪЛОН!

**Республика юристлар малакасини ошириш Маркази қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:**

*1. "Фуқаролик-ҳуқуқий фанлар" кафедраси бўйича кафедра мудири — 1, доцент — 1.*

*2. "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" кафедраси бўйича кафедра мудири — 1.*

*3. "Жиноий-ҳуқуқий фанлар" кафедраси бўйича доцент — 1.*

*Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:*

*1. Директор номига ариза.*

*2. Ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа.*

*3. Олий маълумоти, илмий даражаси ва илмий унвонларни тасдиқловчи ҳужжатлар.*

*4. Илмий ишлар рўйхати.*

**Танловга ариза бериш муддати эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.**

***Манзилимиз: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон» шоҳ кўчаси, 15-уй. Телефон: 132-19-60, 132-19-62.***

Jinoyat va jazo

# УМР ЗАВОЛИ

**СУД ОЧЕРКИ**

***(Давоми. Боши учинчи бетда)***

Шаҳноза эса виждон азобида қолган эди. Шу боис у дардини узоқ вақт ичида сақлаб туролмади. У эрининг қариндош-уруғига ҳамма гапни рўй-рост айтди-ю, ота-онасининг уйига кетиб қолди...

Шундан сўнггина куёвнинг амакилари Шаҳнозанинг айби йўқлигини англаб етишди. Шу билан бирга улар қанчалик тубан ишга қўл урган бўлишига қарамай Насибуллони ҳам кечиришди. Бунинг устига икки ёшнинг оиласи бузилмасин, деган ўйда уларни яраштириб қўйиш мақсадида бир неча марта Шаҳнозанинг уйига боришди. Бироқ унинг ота-онаси "агар куёв бола гиёҳванд модда истеъмол қилишни ташласа, қизимизни уйига жўнатамиз", деб туриб олишди. Табиийки, амакилар бунга кафолат бериша олмади...

Аммо Насибулло шунча воқеа рўй берганига қарамай ҳамон гиёҳванд модда истеъмол қилиш ва арoқ ичишни канда қилмасди.

Бундан ёмони, бундай пайтда у Шаҳноза ва унинг ота-онасининг тинчини бузар, бесабаб жанжал чиқарарди.

Ўша кун ҳам у оёқда базўр турадиган маст бир ҳолатда келиннинг акаси Абдураҳмоннинг дарвозаси олдида пайдо бўлди. Бу пайтда ҳамма уйда, Абдураҳмон эса ошхонада молнинг тилини қайнатаётган эди. У кимнингдир чақирганини эшитиб, дарвоза олдига келди-ю, кутилмаганда собиқ куёвининг қўлига тушиб қолди. Насибулло Абдураҳмоннинг қўлини қайириб, бўйин томирига тиғ қадаб, Шаҳноза қаерда эканини сўради.

—Синглинг қани...

—Шаҳноза касалхонада...

—Менга ҳозир синглингни топиб берасан. Уни уйга олиб кетаман.

—Ахир, у касалхонада деяпманку.

—Хўп, майли, сенинг гапингга ишондим. Фақат касалхонага мен билан бирга борасан. Аввал сув бер... Кейин Шаҳнозанинг олдига борамиз...

—Ошхонага юр,– деди қайноға зўравон куёвга.– Сув ўша ерда.

Насибулло Абдураҳмоннинг қўлини қайирганча ошхонага кирди. Кейин у қайноғасининг сочидан маҳкам ушлаб, чўмичда сув ича бошлади. Шунда Абдураҳмон пайт пойлаб унинг қўлидан бир силтаниб чиқди-ю, қозонда қайнаб турган сувни юзига сепиб юборди. Сув қайноқ эди, шу боис Насибулло юзи куйиб, типирчилаб қолди. Бундан фойдаланган Абдураҳмон қаердандир қўлига тушиб қолган болға билан унинг бошига зарб билан бир неча марта туширди. Фақат у зўравон куёвнинг бошидан оқаётган қонни кўргач, ўзига келди...

Орадан бироз муддат ўтиб, ўзини босиб олган Абдураҳмон Насибуллонинг нафас ҳам олмай қўйганини кўрди-ю, бирдан қўл-оёғи музлаб кетди. Шундан сўнг ғайриихтиёрий равишда жасадни йўқотиш ҳақида ўйлай бошлади. Кейин шоша-пиша жасадни эски қопга жойлади ва қопнинг оғзини боғлаб, аравага ортди-да, Улуғнор каналига томон йўл олди...

Қисқаси, бир фожеа шу тахлит юз берди.

Насибуллонинг жасади каналдан топилиб, тергов-суриштирув ишлари бошлаб юборилгач, Абдураҳмон Ҳусановнинг ўзи ички ишлар бўлимига учраб, қилмишиға иқрор бўлди. Суд уни Жиноят кодексининг 97-моддаси, 2-қисмининг "в" ва "ж" бандлари билан айбдор деб топиб, узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинлади.

Бир қарашда, масала ўз ечимини топгандек кўринади. Жиноят очилди. Жиноятчи қонуний жазо олди. Лекин масаланинг бошқа бир жиҳати ҳам борки, бу беихтиёр кишини ўйга толдиради. Келинг, мақолага нуқта қўйишга шошилмай, айна шу хусусида мулоҳаза юритиб кўрайлик.

Аввало Шаҳнозанинг ота-онаси қиз узатишда нега куёвнинг кимлигини обдон сўраб-суриштириб кўришмади? Ахир, халқимизда қуда-анда тутунишдан аввал ҳар икки томон бир-бирини етти пуштигача суриштириб кўради-ку. Агар улар бўлажак куёвнинг етти пушти у ёқда турсин, ўзининг кимлиги билан қизиқиб кўришганида ҳам бунчалик муаммо туғилмасди.

Бундан ташқари, Насибуллонинг қариндош-уруғлари ҳам кўра-била туриб, бировнинг гулдек фарзанди, яъни Шаҳнозанинг тақдирига бунчалик беэътибор муносабатда бўлмасликлари лозим эди. Чунки уларга Насибуллонинг туриш-турмуши кундек равшан эди. Бироқ улар буни хаёлларига ҳам келтирмай калта ўйлаб иш тутишгани бу фожеани келтириб чиқарган.

Албатта, бу ўринда Абдураҳмоннинг ҳам тутган йўлини мутлақо оқлаб бўлмайди. Тўғри, сингил – жигар. Бирор-бир ака ўз синглисининг тақдирига бепарво қарамайди. Синглисининг юзига тушган мушт аканинг кўксига отилган ўқдек гап. Лекин бу сабабларнинг бирортаси Абдураҳмоннинг қотилликка қўл урганини оқлай олмайди.

Яна шуни айтиш жоизки, халқимизда марҳумнинг орқасидан ёмон гап айтилмайди. Аммо бу фожеани рўй беришида Насибуллонинг айбини хаспўшласак, ноҳақлик қилган бўламиз. Чунки у Шаҳнозага муносиб куёв бўла олмади. Бунинг устига унинг йигирма кунлик келинчакни ўз амакисига туҳмат қилишга мажбурлашини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Умуман айтганда, Насибуллонинг йўлдан бевақт адашиши, ғайриинсоний хатти-ҳаракатлари бу фожеани келтириб чиқарди. Ўрни келганда яна бир ҳолни таъкидлаб ўтиш жоиз. Гап шундаки, бу фожиа содир бўлгунга қадар ён-атрофдаги кишилар томошабин бўлиб туришган. Бундай дейишимизга сабаб наҳотки Насибуллонинг юриш-туриши, икки марта қамалиб чиққани, доимий равишда спиртли ичимлик истеъмол қилишини қўни-қўшни, қариндош-уруғ, қолаверса, маҳалла аҳли билмаган бўлса?!. Бунга кишининг ишонгиси келмайди. Яъни маҳалла-куй Насибуллонинг қадам олишидан хабардор бўлган. Бироқ лоқайд қараган. Охир-оқибат эса бу лоқайдлик фожиа содир бўлишига олиб келган.

Хулоса шуки, бу дунёда инсон ҳаётидан азиз ва муқаддас нарса йўқ. Шундай экан, инсон умри, яъни осойишта ҳаётни асраб-авайлаш учун ҳар биримиз воқеа-ҳодисаларга очиқ кўз билан қарашимиз, огоҳ ва ҳушёр бўлишимиз керак.

**Муҳаммаджон АБДУВАЛИЕВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган
Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Бўритош МУСТАФОЕВ, Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Пўлат САМАТОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Хуршид СОДИҚОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-415. Тиражи — 4339. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди —
МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50
1 2 3 4 6